Ман бурунги замонда илм ва маданият ўчоги бўлгоним учун дунёнинг маъмур ва масъуд ўлкасидан саналар эдим. Шунинг учун эдики, хозирда кўйнимдаги (харобазорлардан иборат бўлгон) Самарканд — «Самарканд фирдавсмонанд» аталур эди. Чин ўглонларимдан бўлгон у ботур, у жахонгир Темур даврида кўргон умроният ва бахтиёрлигим киёматгача эсимдан чикмас.
Ох! На бўлдиким, сўнгги болаларим илм ва маорифдан узоклашдилар. Ота-боболарининг йўлларидан чикцилар. Нега оталариндан мерос колгон маорифни ташлаб жахолатни ихтиёр этдилар? Бирликни кўйиб, нифок ва низога недан киришдилар? Илгари ёт ва душманлар конини тўкмак билан ифтихор кила эканлар, сўнгра жахолат ва нафсоният сабабли ўз диндош ва кондошларининг конларини тўкдилар. Бошка иборат билан айтганда, ўз томурларига ўзлари болта урдилар. Мана бу озгунлик ва ахлоксизликлари сабабли бир-бирларидан айрилишиб бўлак-бўлак бўлдилар-да, ётлар тарафиндан кулайгина ютилдилар, ўз истикболларига хотима чекдилар. Бу орада маним устимдаги маданият осориндан бўлгон тог каби мадрасалар ва расадхоналар хам харобазорга айланиб колди.

Ох! Хар на бўлди, энди ўтди... Модомики, маним кўлимдан чидам, тўзим ва яхши дуодан бошка иш келмас эди, у нохулк болаларим хакинда Тангридан тавфик ва инсоф тилаб тура эдим. Йўк, бахтсизлигимдан булар тезликда инсоф ва интибохга келмадилар. Теварагимдаги ёт элларга карасам, аларнинг хар бирлари кундан-кун маданийлашмокда, олдай бормокда ва тинчгина яшамокдалар.
Аларнинг бу холларини кўруб, яна кот-кот дардим зўраядир, хасратим кўпаядир, бурунги шон ва шавкатим, иморат ва маданийим эсимга кела бошлайдир. Хўнгир-хўнгир йиглайман, нола ва фарёд киламан... Аммо маним бу холимни кўрувчи кўз кайда? Кайгули товушимни эшитгувчи кулок кани?..

Ох! Кандай бахтикаро эканман, нечук толесиз эканманки, бу кунда маним кўшниларим интибох азонин эшитиб уйгонгон ва ўз саодатлари сари югурмокда бўлгон холда, маним бахтсиз авлодим бир-бирлари билан нифок ва адоват кучи билан талашиб, ёкалашиб, охири хориб, кучсизланиб жахолат тўшагинда хануз ухламокда ва жонсиз гавдалар каби хануз ётмокдалар...

Ай туркистонли турк ўглонларим! Энди турингиз! Жахолат уйкусиндан уйгонингизки, кичик киёмат кўпди!.. Агар бу чогда хам уйгонмай ўзингизни асорат кишанингиздан, ёкангизни жахолат чангалиндан, юртингизни душманлар тирногиндан ажратиб

кутулмасангиз, сўнгра буюк киёматда сизларга тамуг ериндан бошка юрт берилмас, заккум ошиндан бўлак емак едирилмаски, расвои олам бўлурсиз.

Ай турк болаларим, уйгонингиз! Уйгонингиз! Мана, бокингиз, кичик киёмат бўлиб колди. Хар кимсанинг номаи аъмоли ўз кўлига берилди. «Аъмоли» тарозуси хам курилди. Мана карангиз! «Аъмоли солих»и ортук келган миллатлар шодлик билан учмок, саодат сари чопмокда. Аммо ёмон илми орткон кавмлар «сирот» кўприкиндан ўтолмай, тамуг сари тушмакда ва йикилмокдадирлар...

Ай суюкли ўглонларим, уйгонингиз! Уйгонингиз! Тонг отди, энди ухламок харом!.. Киёмат кўпди, энди тек турмак махол! Ана тинглангиз! Хозирги маданиятнинг сури Исрофили, охир замоннинг муаззини на дер? Дерки, «Хаййа ъалал фалах!».

Хожи Муин, «Хуррият» газетаси, 1917 йил, 10 ноябрь